Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (13.095)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2016 ЙИЛ 5 МАРТ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2016 ЙИЛ 7 МАРТ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 5 март шанба дам олиш куни 2016 йил 7 март душанба кунига кўчирилсин;

2016 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 февраль

“ЎЗБЕКИСТОН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИ БЎЙИЧА ЖАҲОННИНГ ЕТАКЧИ МАМЛАКАТЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН”

Германия пойтахтида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қадоқлаш, ташиш ҳамда уларни экспорт ва импорт қилиш соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар намойиш этиладиган “Fruit Logistica” анъанавий халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда дунёнинг 85 мамлакатидан қарийб 3 мингта компания қатнашди. Шу жумладан, юртимиздан жаҳон бозорларига сархил, қайта ишланган мева-сабзавотлар етказиб беришга ихтисослаштирилган “Ўзтадбиркорэкспорт” АЖ, “Turon Agro Fresh LLC”, “Spectrum ITG”, “Mega Nuts LLC” ва “Kishmish Savdo LLC” каби корхоналар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди.

Ярмарка мутахассислари ҳамда меҳмонлари республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улкан имкониятларини ўзида акс эттирган Ўзбекистон экспозициясига катта қизиқиш билдирдилар.

Масалан, **Швециянинг “Butikskonsult” компанияси вакили Фредрик Янсон** “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида ўз таассуротларини ўртоқлашди.

— Ўзбекистоннинг ушбу йирик кўргазмадаги фаолияти хорижий компанияларга, хусусан, бизга ҳам Европа бозорига таклиф этилаётган маҳсулотларингиз билан бевосита танишиш имкониятини яратди, — деди у.— “Butikskonsult” Швециядаги етакчи логистика компанияларидан бири ҳисобланади. У Скандинавияда мева-сабзавотларнинг савдоси билан шуғулланадиган кенг қамровли дистрибьюторлик тармоғига эга. Биз экологик тоза маҳсулотларни етказиб беришга устувор аҳамият қаратамиз. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон истиқболли амалий ҳамкоримиз бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, **Голландиянинг “Green Hart” компанияси вакили Петер ван ден Брек** ҳам “Fruit Logistica” халқаро кўргазмаси озиқ-овқат саноати маҳсулотларини импорт ва экспорт қилиш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш учун яхши майдон эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон экспозицияси мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида бой тажриба, улкан имкониятга эга эканлигининг яққол исботи бўлди, — деди у. — Республикангизнинг сифатли ноз-неъматларига бизда қизиқиш катта. Муҳим жиҳати, юртингизнинг қулай табиий-иқлим шароити ноёб таъм ҳамда сифатга эга бўлган турли-туман мева ва сабзавотларни етиштириш имконини беради. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари халқаро андозаларга тўла мос келади. Шуларни ҳисобга олиб айтганда, яқин йиллар ичида давлатингиз экологик тоза ва юқори сифатли озиқ-овқат товарларининг экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бирига айланиши мумкин.

“Жаҳон” АА.
Берлин

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифи билан 2016 йил мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинди

“Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир”. Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 2 май куни Ўзбекистоннинг биринчи давлат мукофоти – “Соғлом авлод учун” орденини топшириш маросимида айтган ушбу теран маъноли сўзлари оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришда асосий йўналишни белгилаб берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ҳамда узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил “Оила йили”, 2000 йил “Соғлом авлод йили”, 2001 йил “Она ва бола йили”, 2008 йил “Ёшлар йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани ҳамда шу муносабат билан тегишли давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги эзгу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг самарасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она – соғлом бола” концепцияси халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилаётгани туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилади.

2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислом Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғояни жамиятимизда теран англаш ҳамда қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан биридир.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш ишлари бошланди. Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишидан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Мурувват уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болаларга кундузи қараш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

2016 йилда чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

Ўзбекистоннинг олис қишлоқларида 194 маиший хизмат кўрсатиш намунавий комплексини ташкил этиш дастурини тасдиқлаш, уларнинг таркибига “Гўзаллик салонлари”, модалар ателеси, маиший электр техникаси, пойабзал таъмирлаш хизматлари кўрсатиш шохобчаларини киритиш, ушбу мақсадлар учун банк кредитлари ҳамда ер участкалари ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш мўлжалланмоқда. Олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ ҳудудларида яшаётган кам таъминланган оилалар бекаларига маиший электр техникаларини бепул тақдим этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига катталар ва болалар кийимлари берилади.

(Давоми 2-бетда)

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

Ёшларда интизом, қатъият, мардлик, матонат ва масъулият каби фазилатларни шакллантириш уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти бўлажак аскарларни армияда хизмат қилишга жисмоний, маънавий ва техник тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

“ВАТАНПАРВАР” ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАМОҚДА



Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

“Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаровнинг сўзларига кўра, ташкилотда Қуролли Кучларимиз учун техник мутахассислар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ватанпарвар” маҳаллий бошқарув органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшмоқда, ушбу йўналишда турли тадбирлар, танлов ва спорт мусобақалари ташкил қилмоқда.

Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга тайёрланаётган бўлажак аскарлар “Ватанпарвар” ташкилоти таркибига кирадиган 5 бирлашган техник ва 12 автомобиль мактабида 13 техник мутахассислик бўйича ўқитилмоқда. Бу ерда машғулотларни самарали ташкил этиш, танланган касб бўйича зарур амалий кўникмаларни эгаллаш учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ маъруза заллари ҳамда ўқув синфлари замонавий техника ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Шунингдек, ушбу мактабларда амалий машғулотлар ўтказиш учун спорт майдонлари, тир, тўсиқларни енгиб ўтишга мўлжалланган мосламалар мавжуд.

“Ватанпарвар” ташкилоти ўқув муассасаларида картинг, автокросс, авторалли, айлана бўйлаб автомобиль пойгаси, автомобилда кўпкураш, мотокросс, триатлон, дуатлон, ҳарбий-амалий кўпкураш, ёзги биатлон, ўқ отиш, радиоалоқа каби турли техник ҳамда амалий спорт турлари, шунингдек, авиамодель, ракета модели ва кема модели спорти бўйича машғулотлар ўтказилади.

Айни пайтда барча вилоятларда армиямиз сафларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Уларнинг аксарияти “Ватанпарвар” ташкилотида зарур мутахассисликлар бўйича тайёрланган.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!” шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбир доирасида вилоят, мамлакат ва халқаро миқёсдаги турли танлов ва мусобақаларда ғолиб бўлган ёшлар ташкилотчилар ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Хоразм вилояти Шовот туманида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўрни ва роли, маслаҳатчилар ва хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш мавзуларида маърузалар тингланди.

ЖАҲОНДА

● АҚШда бензин нархининг кескин тушиб бориши натижасида талабнинг камайиши боис келгусида кичик литражли автомобиль моделлари ишлаб чиқарилмайдиган бўлди.

● Жанубий Кореянинг “Самсунг” компанияси қўл соатларини янада такомиллаштириш устида муваффақиятли иш олиб бормоқда. Жумладан, компания томонидан ишлаб чиқилган навбатдаги моделнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ўз эгасини вена қон томирлари жойлашувига қараб аниқлайди ва шундан сўнг ишлайди. Бунинг учун механизмга иккита ёритқич ва махсус камера ўрнатилади.

● Грециянинг Лефкас оролида илгари маълум бўлмаган қадимий театр қолдиқлари топилди. Ушбу қолдиқларнинг тузилиши қадимги Грецияда илк бор қурилган театр иморатларига ўхшайди. Қизиғи шундаки, археологлар Лефкас оролидаги театрнинг мавжудлиги ҳақида ўтган аср бошидаёқ тахмин қилишган бўлса-да, бироқ унинг айнан қаерда жойлашганини билиша олмаган.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 296,3 километрлик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқларини қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300,5 километрлик ичимлик суви тармоғини барпо қилиш ҳисобидан аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилади.

Жорий йилда тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларининг хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларини кўпайтириш, акушер-гинекологлар ва педиатрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада 280 ўринли, бир сменада 250 кишини қабул қилиш ва йилда 1500 операция ўтказишга мўлжалланган ҳамда замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган 4-даражали болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу, ўз навбатида, оналар ва болаларга юқори технологияли малакали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, чақалоқлик давридан 18 ёшга тўлгунига қадар болаларга кардиожарроҳлик, нейрожарроҳлик, урология, нефрология, онкология ва бошқа ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ўлими ва ногиронлигини камайтириш имконини беради.

Қишлоқ жойларда замонавий тиббиёт ускуналаридан фойдаланган ҳолда биринчи тиббий-санитария ёрдами, ногирон болаларга реабилитация хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, болалар ногиронлиги кўрсаткичларини камайтириш мақсадида уч вилоятдаги (Самарқанд, Гулистон, Урганч шаҳарлари) болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, 38 туман тиббиёт бирлашмасининг бўлимлари ва туғруқ мажмуаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, 11 оилавий поликлиника ҳамда 244 қишлоқ врачлик пунктини капитал ва жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилади. Бундан ташқари, Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация марказининг 100 ўринга мўлжалланган даволаш-ташхис қўйиш корпусини қуриш ва жиҳозлаш, Хоразм вилоятидаги болалар силга қарши санаторийсини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш мақсадида комплекс тиббий хизмат кўрсатиш учун Тошкент шаҳрида 4-даражали Аёллар саломатлик марказини ташкил этиш лойиҳаси тайёрланмоқда. Ушбу марказ энг илғор ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан жиҳозланади, унинг қошида замонавий маслаҳат поликлиникаси ҳамда операция блоки ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари, жумладан, Республика перинатал маркази, вилоят перинатал марказлари, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари, 13 та вилоят болалар кўп тармоқли марказлари, шаҳар ва туман даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек, уларнинг болалар ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари моддий-техник базаси яхшиланади. Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари амалга оширилади. Ушбу жараёнда 2016-2018 йилларда марказнинг қўшимча 11 ҳудудий филиали, Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилади.

Ҳомиладор аёллар ҳамда чақалоқларни перинатал ва неонатал скринингдан ўтказиш орқали уларда туғма ҳамда ирсий касалликларни эрта аниқлаш, ҳомиладор аёлларни бирламчи соғлиқни сақлаш тизими бўғинида оммавий перинатал ультратовушли скринингдан ўтказиш, 13 та скрининг марказини кўп функцияли замонавий рақамли ультратовуш тизими билан жиҳозлаш Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради. Буларнинг барчаси болаларнинг туғма ва ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, болалар ногиронлиги ва ўлимини камайтириш имконини беради.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимлари масъулиятини янада кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни замонавий ташхис қўйиш ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини юксалтириш, аҳоли ўртасида мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг муҳимлигини тушунтириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёллар соғлиғини сақлаш ҳамда психофизиологик ахволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парваришлашни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рациони сифати ва калориясини бойитиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Тўғри овқатланиш ва диетология соҳасида ягона илмий ҳамда амалий сиёсатни замонавий халқаро стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида Республика диетология илмий-амалий марказини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектлари қуриш ва мавжудларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуна ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали мураббийлар билан таъминлаш "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган муҳим вазифалардир.

Бу борада умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалари ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил қилиш ҳисобга олинган ҳолда, 217 зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камида биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда. Шунингдек, вилоят марказларида спортнинг 4 йўналиши бўйича 56 ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби, чунончи, жорий йилда 5 мактаб фаолияти йўлга қўйилади, сузиш ҳавзалари тармоғини яна шундай кенгайтириш ҳисобидан 11 сув ҳавзаси қурилади, уларнинг умумий сони 290 тага етказилади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари, маданият ва истироҳат боғларига экскурсия уюштириш, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва иқтидорли болалар учун "Биз – мустақиллик фарзандларимиз" шиори остида тарихий шаҳарларимизга саёҳатлар ташкил қилиш ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихи, маданияти ва меъморий ёдгорликлари бўйича билимини бойитишга ёрдам беради.

Бўлажак оналар – қизларни жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялаш, уларнинг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиши, замонавий билим ва касб-ҳунарга эга бўлишини таъминлашга қаратилган, қизларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилади. Бу уларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этишига хизмат қилади.

Ҳар бир коллежда меҳнат ҳуқуқи ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари бўйича ўқув курслари, ўқувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида айрим коллежлар базасида "Бизнес-клублар" ташкил этилади. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш учун "Менинг бизнес ғоям" ва "Ёш тадбиркор – мамлакат таянчи" мавзуларида ҳудудий ҳамда республика танловларини ўтказиш, ёш оилалар, тадбиркор аёлларга, жумладан, коллежни битираётган қизларга кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялаш, ёшлар, айниқса, қизларнинг истеъдоди ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги Ёшлар марказларини, Тошкент вилоятидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳи ва ёш оилалар учун дам олиш маскани, Тошкент шаҳридаги "Камолот" ёшлар боғини реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгиланган.

Бу борада 286 мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ўйин майдонлари ташкил этиш, айниқса, вилоят марказлари ва шаҳарлардаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга қаратилган шароитларни янада такомиллаштириш режалаштирилмоқда. 2016 йилда 28 янги умумтаълим мактаби қуриш, 234 мактабни реконструкция қилиш ва 105 тасини капитал таъмирлаш, уларни янги ўқув мебели, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш ишлари бошланади. 1,6 мингдан зиёд мактаб компьютерлар, жумладан, интерфаол электрон доскалар билан жиҳозланади. 13 академик лицей ва 107 касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, уларни зарур ишлаб чиқариш ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилмоқда.

Давлат дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

2015-2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, шунингдек, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли ҳудуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, Давлат дастурига дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда жойлардаги ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў қозонган кекса авлод вакилларини кенг жалб этиш масаласи ҳам киритилган.

Мухтасар айтганда, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш учун 7 триллион 483,3 миллиард сўм ва 194,4 миллион доллар йўналтирилади. Бу борадаги ишлар ва янги ташаббусларни амалга оширишни изчил давом эттириш, шубҳасиз, мамлакатимизда шакланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

(ЎзА)

Олмазор тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ОЛМАЗОР ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 19 январдаги 3/60-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Олмазор туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Т.Махмудов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (А.Акрамов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Олмазор тумани тармоқ администратори (О.Аманов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.olmazor.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Искандаров зиммасига юклансин.

Олмазор тумани ҳокими
Б.Гаибназаров

2016 йил 25 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкентда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши томонидан "Глобал тармоқда миллий мулоқот майдони – ёшларни ахборот хуружларидан асраш омили" мавзуидаги давра суҳбати ўтказилди.

Партия сиёсий кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов ва бошқалар Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини ошириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Ёшларни салбий таъсирлардан асраш, уларга ахборот олиш имкониятини кенгайтириш мақсадида миллий ижтимоий тармоқлар ривожлантирилмоқда.

Тадбир доирасида партиянинг расмий – www.adolat.uz сайтида ташкил этилган forum.adolat.uz форумининг тақдимот маросими ўтказилди. Ушбу форум орқали иштирокчилар юртимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириши, ўзаро фикрлашиши мумкин. Лойиҳа саволларга қисқа фурсатда, аниқ ва лўнда жавоб олиш шароитини яратиши билан ҳам аҳамиятлидир.

– Форумдаги "Ҳуқуқий маданият ҳақидаги тушунчангиз?", "Йўлни асранг", "Депутатлар фаолияти" каби мавзулар баҳс-мунозара ва теран фикрларга бойлиги билан ажралиб туради, – дейди ЎзА мухбирига партия марказий аппарати матбуот хизмати ходими Дурдона Алимова. – Унда интерактив мезонларга катта ўрин ажратилганини кўриш мумкин. Жумладан, "Онлайн депутат" лойиҳаси, "Ҳуқуқий маслаҳат" хизмати сайт ўқувчилари ва кенг жамоатчиликни партия фаолиятидан хабардор қилмоқда.

Тадбирда ёшлар лойиҳа бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Н.НАСРИЕВ

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР

Ички истеъмол талабининг ортиб бораётгани аҳоли даромадлари кўпаяётганининг яққол ифодасидир. Бугун ҳар бир оилада маиший техника воситалари, мебеллар ва бошқа зарур буюмлар мавжуд. Бу нафақат ишлаб чиқарувчи, балки савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларига алоҳида масъулият юклайди. Чунки бугун юртдошларимиз фақат сифатли маҳсулот ва хизматгагина харидор бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи Фарруха Тожиева "Roison" дўконидан 4,5 миллион сўмга катта экранли плазмали телевизор сотиб олганди. Телевизорнинг овози бироз пастлиги харидорга маъқул келмади. У аввал сервис марказига, натижа бўлмагач, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилди. Унинг арзи мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди. Истеъмолчининг ҳақлиги ўз исботини топгач, унинг пули қайтариб берилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунида белгиланганидек, истеъмолчи харид қилган маҳсулотида нуқсон бўлса, уни айнан шундай бошқа сифатлисига алмаштириб олиши, бепул таъмирлатиши ёки сифатсиз товарнинг пулини қайтариб олишга ҳақлидир.

Қонунда белгилаб қўйилган мазкур қоида деҳқонободлик Нуриддин Шариповнинг манфаати таъминланишига ҳам асос берди. Чунки у сотиб олган "Lacetti" русумли янги автомобилдаги айрим нуқсонларни бартараф этишда қонун ҳимоячиларига таянди. У аввал автомобилнинг кондиционери яхши ишламаётгани юзасидан Қашқадарё вилояти "Автотеххизмат" акциядорлик жамиятига қарашли автосалон маъмуриятига мурожаат қилган, лекин уни биров эшитмаган. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳудудий бирлашмаси мутахассислари истеъмолчининг қонуний ҳақ-ҳуқуқи ҳимоясига киришгач, автосалон ходимлари ўзларидан ўтганини тан олишган. Автомобиль бепул таъмирлаб берилган.

– Юртдошларимизнинг истеъмол маданияти юксалиб бораётгани улардан келиб тушаётган мурожаатлар салмоғи ўсаётганида яққол кўзга ташланмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бош мутахассиси Нодир Муҳаммедов. – Ўтган йилда федерация ва унинг қуйи тизимларига ўн мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг аксарияти истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди.



ЎзА олган сурат

Истеъмолчилардан тушаётган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг савдо, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларидан ҳамон кўнгли тўлмаётир. Ахир сифатсиз маҳсулот, ишламаётган лифт ёки таъмирталаб йўлаклар кимга ҳам маъқул келарди?

Бундай ҳолатларга барҳам бериш, муҳими истеъмолчига вақтида ёрдам бериш мақсадида соҳанинг "тез ёрдами" – 1091 рақамли "ишонч телефони" фаолияти йўлга қўйилгани айни муддао бўлди.

Тошкентлик Муқаддас Воҳидова "Тошиссиққуввати" ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан юборилган хабарномадаги 1,6 миллион сўм қарздорликни кўриб ўзини йўқотиб қўяй деди. Дарров 1091 га қўнғироқ қилиб, бу ноҳақлик бартараф этилиши учун кўмак сўради. Ушбу ҳолат мутахассислар томонидан ўрганилганда, истеъмолчи ҳақ бўлиб чиқди.

Юнусобод туманида яшовчи Шуҳрат Обидхўжаев хонадонига нисбатан эса тумангаз корхонаси томонидан 2,9 миллион сўм қарздорлик "илинган". "Ишонч телефони" ёрдамида унинг ҳам мушкули осон бўлди.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар "Маънавият" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси нафақат электр энергияси, балки газ таъминоти борасида ҳам муаммога дуч келаётганди. Уларнинг бу борадаги ҳақли эътирози эътибордан четда қолмади. Тегишли идоралар кўмаги ва ҳамкорлигида муаммолар тўлиқ бартараф этилди.

www.istemol.uz сайти орқали ҳам истеъмолчи нафақат соҳага оид янгиликлардан хабардор бўлиши, балки "Истеъмолчи минбари", "Мурожаат ва натижа" саҳифалари орқали ўз ҳуқуқий маданиятини ошириши ҳам мумкин. Шу билан бирга, мутахассислар билан онлайн боғланиш, сайт орқали мурожаат жўнатиш имконияти мавжуд.

Буларнинг барчаси юртдошларимизнинг сифатли маҳсулот ва хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш, халқимиз ҳаёт даражаси янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА

АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгашида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллиги муносабати билан "Буюк аждодларнинг бебаҳо мероси" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши, Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда "Ватанпарвар" ташкилоти ходимлари, марказ тингловчилари қатнашди.

Унда сўзга чиққан МК "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаров ва бошқалар буюк аждодларимиз илмий-маърифий мероси ёшларни миллий ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириш борасида маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари маънавий теранлиги ҳамда бадиий юксаклиги билан башарият мулкига айланган. Улардаги эзгу ғоялардан ёшларимизни баҳраманд этиш, буюк аждодларимиз меросига юксак эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бебаҳо меросдан халқимиз, айниқса, ёшларни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришга ҳисса қўшган бўламиз.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимнинг "Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти" ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг кафедра мудири, юридик фанлари доктори Бобоқул Тошевнинг "Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлатчилик ва ҳуқуқ бўйича қарашлари" мавзуларида маърузалари тингланди.

Тадбир сўнгида Навоий ва Бобур ғазалларидан намуналар ўқилди, "Ватанпарвар" ташкилоти ҳузурида ташкил этилган "Ватанпарвар таронаси" ансамбли хонандалари томонидан буюк шоирлар ғазалларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА МУМТОЗ ШОИР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига бағишлаб давра суҳбати ташкил этди.

Темурийлар тарихи давлат музейи директори Х.Файзиев, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Ж.Сафоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришга, жумладан, Бобурнинг беназир шахси, бетакрор ижодини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида Бобур номидаги кўркам боғлар барпо этилган. Андижонда "Бобур ва жаҳон маданияти" китоб музейи ташкил қилинган.

Бобурнинг маънавий мероси асрлар оша миллий маданиятимизни юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда. Шоирнинг бой меросида давлат ва уни бошқариш, давлатнинг асосий вазифаси, фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари, одил судлов ва халқларнинг этнографияси чуқур таҳлил этилган.

Бобур инсонни энг олий қадрият деб билган. Шу боис унинг ижоди нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунё халқлари томонидан севиб ўқилади. "Бобурнома" асари ўттиздан ортиқ тилга таржима қилингани бунинг далилидир.

– Улуғ аждодимизнинг маънавий меросига жуда қизиқаман, – дейди Тошкент давлат юридик университети талабаси Адолат Ҳожиева. – Шоир асарларида реал ҳаёт тасвири, кундалик воқеалар баёни, шахсий кечинмалар тасвирига кенг ўрин берилади. Ватан соғинчию ғурбат ғами, зафарлар қувончию мағлубиятлар алами ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган. Бобур "Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ, Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!" дер экан, жаҳонда фақат яхшилик пойдорлигига, одам боласидан фақат яхшилик қолишига ишонади. Буюк бобомиз шахси ва ижодини чуқур ўрганишимиз қалбимизда Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик каби азалий эзгу ғояларнинг мустаҳкам қарор топишига хизмат қилади.

Тадбирда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидан намуналар ўқилди. Темурийлар тарихи давлат музейига экскурсия уюштирилди.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

ТАНБУР НАВОЛАРИ

Танбур Шарқ халқларида жуда қадим замонлардан бери қўлланилиб келинган чолғу асбоби. Узоқ ўтмишда мусиқа олимлари танбур ибораси икки сўздан иборат, яъни инсон қалбига тегувчи ва уни тўлқинлантирадиган соз, деган маънода экани ҳақида ўз рисолаларида ёзган эдилар.

Танбур ўтмишда Ироқ, Эрон, Ўрта Осиё, Хуросон, Туркия, Арманистон, Уйғуристон ва бошқа мамлакатлар халқлари орасида кенг тарқалган. Қадимий мусиқий рисола китобларида кўрсатилишича, ўтмишда танбурнинг турлари кўп бўлган ва "Танбури Туркий", "Танбури Хуросоний", "Танбури бузург", "Танбури кучак" деб номланган. Унинг камон билан чалинадиган коса қисми каттароқ шаклда ясалган тури "Сато" дейилиб, уйғур ва ўзбек халқлари ўртасида кенг тарқалган. "Сато" шашмақом ижросида ансамблга ҳам киритилган эди.

Танбур Фаробий яшаган замонлардан бошлаб, то ҳозирги кунгача эътиборли, мусиқамиз амалиётида етакчи соз бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Танбурда ижро этувчи созандалар эса "Танбурий", яъни "Танбурчи" таҳаллуси билан шуҳрат қозонганлар.

Дарҳақиқат, танбур, дилкаш, киши қалбига ором бахш этувчи чолғу асбоби. Балки, садоланишининг янгроқ, ёқимлилиги унинг дастаси узун, металл симлар тақиллашига боғлиқдир? Дарвоқе, бу нарса сознинг садоланиши, жарангдорлиги, узун торнинг тебраниш жараёнида узоқ вақт садоланиб туриши, куй ижросидаги қочирим, нола каби воситалар билан танбур симларини эзиб чалиш имкониятини беради. Бу эса нохун билан чертилганида турлича зарб уюшмалари ишлатилиб, алоҳида завқ-шавқ бағишлайди кишига.

Танбур айниқса XVI асрлардан бошлаб Ўрта Осиё, Хуросон, уйғур халқларида алоҳида аҳамият касб эта бошлади.

Танбурнинг ёқимли янграши, садоланиши хусусиятлари, ифода воситаларига бой имкониятлари классик шоирларимизнинг чуқур мазмунли ғазаллари ва насрий асарларида юксак дид-фаросат, жўшқин эҳтирос, зўр маҳорат билан тасвирланган ва баъзи шеър дурдоналари сатрларида санъаткарона тасвирланган.

Танбур тут дарахти ёғочларидан ясалади. Унинг дасталарига парда қўй ичагидан эшиб, қуритилиб, уч марта айлантириб боғланади. Дуторда ҳам танбурдаги каби, лекин ингичкароқ қилиб тайёрланган пардалар боғланади.

Бу пардадан фойдаланишнинг қулайлиги шундаки, уни танбурни созланишидан қатъий назар, пастга ёки юқорига суриб, куй ҳаракат этадиган товуш поғоналарини ўзгартириш мумкин. Чунки, танбур олти мақомга уч хил созланса-да, лекин товуш қаторлари — лад тузилмалари турлича бўлиб, пардаларни ярим парда даражасида юқори ва пастга суриш билан ижро этиладиган мусиқа асарига мослаштирилади.

Ҳозирги кунда танбур — якка соз сифатида халқ чолғу ансамбларида кенг фойдаланилмоқда. XIX аср бошидан то ҳозиргача, танбур якка навоз ва жўр навоз чолғу асбоби тарихида халқ созанда ва хонандаларига ҳамкор, ҳамнавоз ва дилкушо чолғу асбоби сифатида хизмат қилиб келмоқда. Танбурда ижро этиладиган куйлар инсоннинг энг нозик ҳис ва туйғуларини, эзгу орзу-умидларини ўзининг "тилсиз" оҳангларида ифодалаб, унинг юксак бадиий-эстетик талабларига жавоб беришга қолмай, ўзидаги ифода воситаларига бой имкониятлари туфайли, халқ мусиқа асарларини мазмунан бойитиб, уларни тўлақонли тараннум этиб келмоқда.

Танбур асбобининг қанчалик қулай ва мақсадга мувофиқ ясалганлиги, устанинг созшунослик соҳасида анъанавий услубларни қай даражада ўзлаштирилганлиги, уни ясаш йўлларини эгаллаганлиги, бу борада орттирган тажриба ва маҳорати даражасининг юксаклигига боғлиқ. Танбур халқ мусиқа санъатида муҳим рол ўйнаб келган чолғу асбоби бўлгани учун ҳам соз ясовчи усталар дастаси ва косасининг орқа томонини турли нақш ва безаклар билан безаганлар. Созларни безаш санъати ҳам жуда узоқ тарихга эга. XIV асрда Хожа Абдулқодир Мароғий уд асбобининг безакли турини ихтиро қилиб, уни "Сози мурассаъ", яъни "Безакли соз" деб атаган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, танбур ижрочиси соз ясайдиган устага қараганда, сознинг ясалишидаги хусусиятлари, сифати, нуқсонлари ва камчиликларини фарқ қила олиши ва англаши лозим. Чунки, соз ясовчи усталарнинг ҳар бири созни чалолмайдилар, лекин асбобни қойил қилиб ясашга моҳирдирлар.

Анвар ИНОҚОВ,
санъатшунос олим, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси

Ёшлар — келажагимиз

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР САМАРАСИ

Бугунги глобаллашув даврида инсоният олами шу қадар юксак даражада ривожланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо ушбу имкониятлардан ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Жамиятимиз ижтимоий ҳаётининг асосий бўғини бу — ёшлардир. Улар ўртасида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш фаоллиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу эса глобаллашув даврининг асосий нуқтаси бўлиб хизмат қилади.

Айнан ижтимоий тармоқларнинг ёшлар онгига таъсири, интернетдан оқилона фойдаланиш маданияти, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига янада теран назар билан қараш, масалани чуқур англаш олдимизга қўйилган энг асосий қадамлардан бири десак, адашмаган бўламиз.

Бугунги кунда ёшлар тарбияси қай даражада? Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, компьютер ўйинлари, интернет, қолаверса бошқа ноҳуш ҳодисалар, долзарб муаммонинг айни пайтда оғриқли нуқтасидир. Шу сабабли ўрта махсус касб-ҳунар коллеж ва академик лицейларининг энг асосий эътибори, биринчи галда, вояга етмаган ёшлар тарбияси ва уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган.

Бу борада таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳаллалар, олий ўқув юртларининг мутахассислари томонидан Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар, компьютер ўйинлари ва интернетнинг салбий таъсирида рўй бераётган ноҳуш ҳодисалар ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар, "Диний экстремизм — ёшлар келажагига таҳдид", "Ижтимоий иллатлар ва улардан сақланиш" мавзуларида турли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Маълумки, ҳозирги энг муҳим умумбашарий муаммолардан бири терроризм ва диний ақидапарастлик ғоялари ҳисобланади. Унинг муайян тарздаги ечими терроризм мафкурасининг ғайриинсоний мазмун-моҳияти ва намоён бўлиш шаклларини ёритиш заруриятини тақозо этмоқда. Бинобарин, терроризм ва ақидапарастлик хавфининг олдини олиш учун биринчи ўринда, унинг тарқалишига йўл қўймаслик керак.

Бу борада, ўқувчи ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари, самарали чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларда мустаҳкам маънавий иммунитет ҳосил қилишларида доимий маънавий-маърифий тадбирлар, ҳар хил кўриктанловлар ташкил этилиб келинмоқда. Шунингдек, ўқувчи-ёшларнинг маънавий маданиятини янада юксалтириш, мафкуравий хуружлардан ҳимояланиш, нопок йўлларга кирмасликнинг олдини олиш мақсадида уларга Ўзбекфильм кино усталари томонидан суратга олинган "Алданган аёл", "Гумроҳлар", "Одноклассники.ru", "Ажал жодуси" каби бир қатор фильмлар "Маънавият соати" ва "Ахборот соатлари"да намойиш этилмоқда.

Таълим жараёнида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, бунда, фақатгина таълим муассасаси эмас, балки ота-оналар, маҳалла ва юқори ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда изчил ишлар олиб борилаяпти. Таъкидлаш жоизки, ўғил-қизлар давомати, таълим муассасаси белгиланган формада келиш ва дарсларга фаол қатнашиб, ўзлари қизиққан тўгаракларда қатнашиш имкониятлари яратиб берилиб, мунтазам назорат ишлари олиб борилмоқда.

Таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни билан ота-оналарни яқиндан таништирилиб, уларга ўз фарзандларининг кундалик турмушда қандай машғулотлар билан шуғулланишлари, қандай сайтларга кириб, кимлар билан мулоқот олиб бораётганликлари, дарсларга вақтида қатнашиб, турли тўгаракларга жалб қилинишлари хусусида тадбирлар олиб борилмоқда. Зеро, эътиборсизлик оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган каттакатта муаммоларнинг олдини олиш бугун ва келажак учун айни муддаодир.

Мазкур тадбирларнинг ўтказилишидан асосий мақсад таълим муассасаларида, бугунги кунда терроризм ва диний ақидапарастлик ғояларидан ёшларни хабардор қилиш, бу билан уларни ваҳимага солиш эмас, балки ўзлари каби тенгқурларини бундай йўллардан қайтаришга ҳаракат қилиш, террорчи ва ақидапарастларнинг мақсад ва вазифаларини яхшироқ билиб олишларига қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, биз мана шундай жаннатмакон юртнинг фарзандларимиз, шу юрт учун ўз меҳримиз ва қалбимиз қўърини беришимиз, тинчлик деб аталмиш неъматнинг қадрига етишимиз даркор. Бу бизнинг олдимизга қўйган биринчи фарзимиздир.

Барно НОРОВА



Ислом Исмоилов олган сурат

ЯНГИ РЕЖАЛАР САРИ...

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари иштирокида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

"Камолот"да бир кун" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда туман Кенгашининг фаолияти юзасидан 2015 йил давомида қилинган ишлар ва жорий йилги режалар бўйича маълумотлар берилди. Тадбирда сўзга чиққан Мирзо Улуғбек тумани ҳокими Шомансур Аҳмедов, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши раиси Мэлс Тошов ва бошқалар юртимизда ёш авлодга яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаб ўтиб, ёшларга таянч ва суянч бўлаётган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати атрофида бирлашишга чорладилар.

Тадбирда туманда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фаол иштирокини таъминлаш, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш, спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан атрофлича маълумотлар берилди.

Тадбир давомида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек туман Кенгаши қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлари" марказини ҳамда "Баркамол авлод" ёшлар ижодиёти маркази ўқувчилари томонидан яратилган буюмлар кўргазмаси ташкил этилди. Шу билан бирга тасвирий санъат йўналиши бўйича кўплаб ютуқларни қўлга киритган Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий ишлари намойиши бўлиб ўтди.

Иштирокчиларга хуш кайфият улашиш мақсадида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ҳамда В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг истеъдодли ўқувчилари томонидан ўзбек ва жаҳон мусиқа асарлари намуналари ижро этилди. Тадбир якунида фаол ва иқтидорли ёшлар Ҳаракатнинг туман Кенгаши томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

Қонун барчага баробар

ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

Юртимизда тадбиркорлик қиламан, деган инсонлар учун барча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилган. Аммо айрим "учар тадбиркорлар"нинг қонунларни четлаб, солиқ тўлашдан қочиб, фақат ўз манфаати илинжида қилган ишлари ўзларига қимматга тушмоқда.

Мисол учун Мавлуда Халилова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2010 йилда Сергели тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатдан ўтган МЧЖда макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Дастлаб ишлар яхши кетди. 2013 йилга келиб, МЧЖ тугатилиб, бошқа номдаги корхона Зангиота тумани ҳокимлигидан рўйхатдан ўтказилди, ишлаб чиқариш тури эса ўзгармади.

М.Халилова иккинчи МЧЖда ҳам директор лавозимида ишлаб келиб, бир оз аввалроқ — 2012 йил бошидан Жасур Бекбоевни цех иш бошқарувчиси вазифасига ҳеч қандай ҳужжатсиз қабул қилиб, у билан олдиндан тил бириктириб, яширинча фаолият юрита бошладилар.

Бир гуруҳ фуқаролар аризаси асосида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментнинг Сергели тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган рейд текширувида 2012 йил бошидан 2015 йилга қадар МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган умумий қиймати 358,9 млн. сўмлик макарон маҳсулотлари амалдаги қонунчилик талабларига риоя этмаган ҳолда "Ўрикзор" бозорида нақд пулга сотилиб, тушум пуллар банк муассасасига топширилмаган, товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидалари қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди.

М.Халилова раҳбарлик қилган ишлаб чиқариш цехидаги макарон маҳсулотлари лаборатория текширувидан ўтказилганда намунада ичак таёқчаси гуруҳига мансуб бактериялар аниқланган.

Корхона иш фаолияти даврида давлатга тўланиши лозим бўлган жами 42,1 млн. сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларни тўламай келган.

Суд МЧЖ раҳбари М.Халилова ва унинг жиноий шериги Ж.Бекбоевни ЖКнинг бир қатор моддалари билан айбдор деб топди. Бинобарин, М.Халиловани бир йил муддатга корхона, муассаса ва ташкилотларда раҳбарлик қилиш ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баравари миқдорида, Ж.Бекбоевга худди шу каби бир йил корхона, муассаса ва ташкилотларда моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ҳамда савдо ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари миқдорида жарима жазосини тайинлади.

Сардор БОЙМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Сергели тумани бўлимининг катта инспектори

Спорт янгиликлари

Жорий йилги мавсумга пойтахт жамоалари жиддий тайёргарлик кўришмоқда.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Амалдаги Ўзбекистон чемпиони "Пахтакор" ўқув-машғулот йиғини доирасида Ғузорнинг "Шўртан" ҳамда Муборакнинг "Машъал" жамоалари билан назорат-ўртоқлик учрашувларида куч синашди. Тошкентликлар "Шўртан"дан 2:0 ҳисобида устун келишди. Жамшид Искандаров, Акобир Тўраев голларга муаллифлик қилишди. Муборакнинг "Машъал" жамоасини ҳам пахтакорчилар 2:1 ҳисобида мағлуб этишди. Рақиблар дарвозасига Жалолиддин Машарипов ва Игорь Сергеев гол киритишди.

Дубайдаги ўқув-машғулот йиғинлари доирасида "Локомотив" БАА биринчи дивизиони вакили — "Ал-Уроoба" жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Ҳамшаҳарларимизнинг тўлиқ устунлигида кечган беллашувда дарвозаларга 6 марта гол киритилди. Учрашув "Локомотив"нинг 5:1 ҳисобидаги ажойиб ғалабаси билан якунланди. Дарвозани темирйўлчилардан — Сардор Мирзаев, Неманья Яничич, Темурхўжа Абдухоликов (2 та), Марат Бикмаев аниқ нишонга олишди.

Жорий йилдан олий лигада тўп сурадиган пойтахтимизнинг яна бир жамоаси "Обод" тайёргарлик доирасида аввал "Андижон", кейин "Навбаҳор" билан ўртоқлик учрашувларида куч синашди. Андижонликларни 1:0 ҳисобида мағлуб этган пойтахтликлар "Навбаҳор"га ҳам муносиб қаршилик қилишди. Қизиқарли ва муросасиз кечган учрашув 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Ҳар икки ўйинда рақиблар дарвозасини тошкентликлардан — Павел Соломин, Алишер Азизов, Санжар Тўрақулов ишғол этишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ТЕЗКОР ШАХМАТ

"Sehrli Shahmat" МЧЖ шахмат клуби томонидан спорт анъаналарини сақлаш ва оммалаштириш мақсадида тезкор шахмат бўйича Мамажон Муҳитдиновнинг хотирасига бағишланган очиқ турнир ташкил этилди.

Мамажон Муҳитдинов – республика терма жамоасининг биринчи расмий мураббийи бўлган. Унинг шогирдлари ўртасида бир неча шахмат устаси, ўнлаб усталикка номзодлар, юзлаб биринчи тоифали спортчилар бор.

Унинг ва шогирдларининг ташаббуси ва иштирокида Ўзбекистон чемпионатлари, Осиё минтақаси мамлакатларининг халқаро турнирлари ўтказиб келинган.

Мамажон Муҳитдиновга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвони берилган. ФИДЕ ўзининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган конгрессида уни халқаро тоифали ҳакам унвонига лойиқ, деб топган.

Ушбу шахмат зафматкаши томонидан шахмат мавзусига бағишланган 4000 дан зиёд турли материаллар – мақолалар, очерклар, репортажлар, ҳикоялар, сценарийлар чоп этилган.

Рустамжон МАМАТҚУЛОВ



Ислом Исмоилов олган сурат

Болалар спорти

ТАНИ СОҒЛОМ, ФИКРИ ТИНИҚ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР

Диясбек спортга қатнашни бошладию жисмоний ҳолати ва руҳияти ўзгарди. Онаси Азима опа ўғлининг ҳар томонлама соғлом улғаяётгани, фикрлаши, ақлий салоҳияти, жисмоний имконияти ошиб бораётгани, ўзига ишончи ортганини кўриб севинди.

– Ўғилларим – Элмурод бокс, Диясбек эркин кураш билан мунтазам шуғулланади, – дейди Азима опа. – Боланинг спорт билан шуғулланиши ҳар томонлама фойдали. Спортга қатнаган бола жисмонан соғлом, бақувват, айни пайтда мустақил фикрлайдиган, интилувчан, тартибинтизомли бўлади, турли салбий иллатлардан йироқ юради. Бугунги кунда ўғил-қизларимиз учун улкан имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган, улар бундан унумли фойдаланиши зарур.

Дарҳақиқат, спорт ўғил-қизларда кучли ирода, ғалаба ва мақсад сари интилиш фазилатларини тарбиялашда, уларнинг қалби ва онгига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, фахр-ифтихор каби туйғуларни сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган 24-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг футбол, бокс, эркин кураш, дзюдо ва бадиий гимнастика секцияларида 480 дан ортиқ ўғил-қиз мунтазам шуғулланмоқда. Қизларни спортга жалб этишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

– Болаларнинг кўзларида спортга иштиёқни, шижоатни кўриб, ҳавасим келади, – дейди ЎзА мухбирига мактаб директори Ҳасан Дуйсебоев. – Бизнинг болалигимизда бугунгидай кенг имкониятлар йўқ эди. Бугун болалар ўзи қизиққан спорт тури билан шуғулланиши учун барча шароит муҳайё. Машғулотларни малакали мураббийлар олиб боради.

Мактабда футбол майдони, спорт зали, тренажёр зали, шунингдек, тиббиёт, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари болалар ихтиёрида. Болаларни спорт турларига жалб этишда аввало уларнинг ёши, қизиқиши, саломатлик даражаси ва қобилиятига эътибор қаратилмоқда.

Спорт секциялари фаолияти қатъий жадвал асосида ташкил этилган. Машғулотлар жараёнида болалар саломатлиги тиббиёт ходимлари томонидан доимий назорат қилинади. Бу ерда болалар йилига икки марта тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлиги, жисмоний ва руҳий ҳолати қайд этиб борилади. Ўтган йилги тиббий кўрик натижалари ўғил-қизларнинг бўйи ўсганини, вазни меъёрлашганини кўрсатди. Спорт билан мунтазам шуғулланаётган болаларнинг тетик ва ҳаракатчанлиги, касалликларга чалинмаётгани ота-оналарни хушнуд этмоқда.

Мактабнинг эркин кураш секциясида саксонга яқин бола малакали мураббийлар қўл остида спорт сирларини пухта эгалламоқда. Улар шаҳар ва мамлакат биринчиликларида, халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб келаётгани бу ерда иқтидорли ёшларни тарбиялашга қаратилган алоҳида эътибор самарасидир.

...Машғулотлар тугади. Азима опа ўғлининг машқларни чаққон ва дадил бажаришини кўриб қувонади. Диясбек ўз таассуротларини онасига айтишга шошилади:

– Мураббийимиз агар машқларни шундай бажаришда давом этсам, яқинда мусобақага чиқишимни айтди, – дейди у фахрланиб. – Келажакда мен ҳам жаҳон чемпиони бўламан!

Байрам АЙТМУРОДОВ

Экология

ЁШЛАР ВА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ

1-Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежида "Баркамол авлодни вояга етказишда экологик таълим ва тарбиянинг ўрни" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ўқитувчилар ва ўқувчи ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси А.Қурбонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барқарор ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган экологик таълим ва тарбияни такомиллаштиришга йўналтирилган ишлар навқирон авлод камолотида муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Таълим муассасаларида ёшларга экологик билимлар назарий фанлар, амалий машғулотлар, турли тўгараклар воситасида чуқур сингдирилмоқда. Таълим масканларида экологик боғларни барпо этиш, теварак-атрофни ободонлаштириш мақсадида ташкил этиладиган оммавий ҳашарларда ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилаётган эътибор навқирон авлодни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Экологик таълимни ривожлантиришга йўналтирилган ишларни ташкил этишда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу жабҳада таълим масканлари, жамоат жойларида аҳоли иштирокида ўтказилаётган кўплаб тадбирлар ўз самараларини бераётир. Экоҳаракат ҳузурида ташкил этилган "ишонч телефони" аҳоли, жумладан, ёшларнинг атроф-муҳитни муҳофазалаш ишларига дахлдорлигини кучайтириш, табиатни муҳофазалашда фуқароларнинг масъулиятини оширишга қаратилган.

Давра суҳбатида экологик таълим ва қонунчилик, ёшларнинг табиатни муҳофазалашга оид лойиҳаларда фаоллигини оширишда давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасаларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш борасидаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА

Кўргазма

МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ЧИЗГИЛАР УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида ёш рассом Темур Раҳматовнинг "Solo" деб номланган кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг самарали меҳнат қилиши учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу йигит-қизларнинг истеъдоди юзага чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёш рассом Т.Раҳматов Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, сўнг Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўқиган. Бугунги кунда миллий анъаналаримизга уйғун замонавий турдаги рангтасвир асарлари яратмоқда.

Т.Раҳматовнинг суратлари шакл ва рангларнинг моҳирона композицияси билан ажралиб туради. Уларда юртимиздаги замонавий бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, бебаҳо анъана ва қадриятларимиз, улуғ аждодларимиз хотирасига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром намоён бўлади.

Кўргазмадан мусаввирнинг рангтасвир, графика, арт-объект йўналишидаги ўттиздан ортиқ асарлари жой олган.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

"Тайёргарликдан ўтган инсон, ярим қутқарилган инсондир" дейдилар. Ҳаёт тасодифларга тўла. Ана шундай кутилмаган офатларга доимо шай туриш, рўй берган тақдирда саросимага тушмасдан тўғри ҳаракат қила билиш энг қулай ва самарали усуллардан биридир.

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА ОГОҲЛИК ТАДБИРЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг "Пойтахт аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2015 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2016 йилдаги вазифалар тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан қатор муҳофаза тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат ҳудудий қўйи тизимининг асосий фаолияти фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ФВДТ ҚТнинг бошқарув органлари куч ва воситаларининг тайёргарлигини таъминлаш ҳамда раҳбарлар ва ишчи-хизматчилар таркибини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳолини фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёрлашга қаратилган. Бу борада жойларда бир қатор ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан олиб борилган ўқув машғулотлари назарий ҳамда амалий қисмлардан иборат бўлиб, тингловчиларнинг бу борадаги кўникмалари ва тажрибалари синов қилиниб, машғулотлар якунида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар режага мувофиқ пойтахтимиз ҳудудида жойлашган бошқа таълим муассасаларида давом эттирилади.

Азамат СУЮНОВ,
журналист

"101"

ЭЛЕКТР ВА ГАЗ АНЖОМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Қишки мавсумда корхона-ташкилотлар ва аҳоли турар жойларида ёнғин ҳодисаларига йўл қўймасликка қаратилган тадбирлар жамоатчи ташкилот ва идоралар, хусусан газ ва электр таъминоти идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Аҳоли турар жойларида электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш ҳамда хоналарни иситиш мақсадида газ плиталари, духовкаларни ёқиб қўйиш, уларни назоратсиз қолдириш, тутун йўлларининг носозлиги, дудбуронларни ўз вақтида тозаламаслик оқибатида ёнғинлар келиб чиқмоқда. Энг ачинарлиси бунга бепарволик, жавобгарлик ҳиссини сезмаслик сабаб бўлмоқда.

Орамизда газ ҳидини сезганда гугурт чақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчалик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамида, қонунга зид равишда улаб, хонадонни талафотларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади. Бу эса ўзларининг моддий зарар кўришлари ва жиддий тан жароҳати олишларига сабаб бўлмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб борилган ёнғинга қарши тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Шаҳримиздаги ёнғинлар сони камайишига эришилмоқда.

Зеро, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ёнғинларнинг содир бўлиши, мулк талафоти, инсонлар жароҳатланишининг олдини олишга нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, балки ҳар бир ота-она, муассаса, корхона мутасаддилари ва барчамиз бирдек масъулмиз.

Шерзод ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
28-ҲЁХҚ кичик инспектори,
кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 25 январдан 12 февралгача бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан ва биржа савдоларда сотилган давлат активлари савдоларининг натижалари
РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Сотилиш нархи (сўмда)	Ҳаридорга юклатилган инвестиция мажбурияти (сўмда)
1	Омборхона бино ва иншоотлари	974	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Чинобод кўчаси, 33-уй	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	28.04.2015 № 2340	1 005 610 395	1 010 000 000	300 000 000
2	Гараж бино ва иншоотлари	903,44	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қорасувбўйи кўчаси, 5а-уй	Тошкент шаҳри ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 № 209	1 105 374 131,23	1 110 000 000	400 000 000

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дона	1 дона акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг биржа савдоларида сотилиш нархи, сўм
1	"Шифобахш булоқ" АЖ	85,94	35 703	747	200 655,00	7 163 975 149	7 163 985 465,00

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй.
Телефонлар: 233-22-83, 233-74-72

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **16 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **16 февраль** ва **17 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95; факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.50

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ